

МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАР ВА НАЙКЛ СТИМУЛЯТОРИНИНГ ЁЎЗА ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологиялари

илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)

ДАВЛЕТОВА ЗУХРА ИКРОМБОЙ ҚИЗИ *илмий ходим.*

Аннотация

Тошкент вилоятининг типик ёўз тупроқлари шароитида ўўитли ва ўўитсиз шароитида гумин кислотаси ва макроэлементлар асосида яратилган Найкл стимулятори чигитга экиш олдида ва ёўзани вегетация даврида турли меъёрларда қўлланилганда ёўзанинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, физиологик жараёнлари тезлашгани аниқланиб, фотосинтез соф маҳсулдорлиги шоналаш-гуллаш даврида суткасига 0,55-2,11 г/м², гуллаш-ҳосил туғиш даврида 0,71-1,76 г/м² ортганлиги

Калит сўзлар: Найкл, Узгуми, стимулятор, минерал ўўит, чигит униб чиқиши, ўсимлик бўйи, ҳосил шохи, шона, гул, тугунча, кўсак сони, пахта ҳосили.

Жаҳон пахта саноати бозори ва жаҳон кийим-кечак ишлаб чиқариши асосан пахта хомашёси ҳисобига шаклланади. Маълумотларга кўра, глобал пахта толаси бозори 2027 йилга келиб 46,56 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Ҳиндистон, Хитой, Покистон ва АҚШ бутун дунё бўйлаб асосий пахта ишлаб чиқарувчи давлатлар ҳисобланса, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва Вьетнам дунёдаги энг йирик пахтани қайта ишловчи ва истеъмол қилувчи мамлакатлардир Дунё иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан бири бўлган ёўзани етиштириш, ундан юқори ва сифатли пахта толаси олиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари унувчанлиги ва униб чиқиш қувватини ошириш, ўсимликнинг ўсиши,

ривожланиши ва пишишини тезлаштириш, ҳосилдорликни ошириш, сув танқислигига, қурғоқчиликка, шўрга, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамлилигини оширишда стимуляторлардан кенг фойдаланилмоқда. Бунда, табиий ёки сунъий синтез қилинган ва фитогормонларнинг аналоглари бўлган стимуляторлар қўлланилмоқда. Стимуляторлар ўсимликда содир бўладиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга комплекс таъсир кўрсатиши, фенологик фазаларнинг бошланишини тезлаштириши ва вегетация даврини қисқартириши, ҳосил ва унинг сифатини ошириши аниқланган.

Найкл (Nacle) таъсир этувчи моддаси суяқ гумин кислотаси, NPK 6-3-2, гумус - 1,2%, S - 0,4%. Кореянинг Hanwoori фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. Ўзбекистонда “ИТТИФОҚ” МЧЖ корхонаси томонидан қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш бўйича Давлат кимё комиссияси руйхатига киритилган. Чигитга экиш олдида ва ғўза вегетацияси даврида қўлланилади. Чигитнинг униши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Найкл стимулятори ўсимликлардаги фитогормонлар орқали хужайранинг бўлинишига, моддалар алмашинувига, ўсимлик хужайраларидаги нуклеин кислоталари ва оксиллар алмашинувига фаол таъсир этади, бунда ниҳолларнинг униб чиқиши тезлашиб, илдиз, поя ва баргнинг ўсиши фаоллашади ва ҳосил элементлари сони ортади, ўсимликнинг мақбул ўсиши, ривожланиши яхшиланади ҳамда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконини яратади, ҳамда иқтисодий самараси юқори бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот иши Тошкент вилояти Қибрай тумани ПСУЕАИТИ тажриба далаларида типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилди ва ғўзанинг ЎзПИТИ-103 нави экилди. Ғўза қатор оралиғи 60 см ни ташкил этди. Ғўза минерал ўғитлар билан озиклантирилган ва минерал ўғитлар умуман қўлланилмаган далаларда тажрибалар олиб борилиб, Найкл стимулятори турли меъёрларда чигитга экиш олдида ва ғўзанинг шоналаш, гуллаш ҳамда ҳосил туғиш давларида ишлов берилди. Тажрибанинг назорат ва эталон сифатида

Узгуми стимулятори қўлланилган 1-2 ва 6-7 вариантлари кенглиги 4 қатордан иборат бўлиб, эни 2,4 м, бўйи 40,0 м ни ташкил этди ва тажриба бўлакчаси майдони 96,0 м². Тажрибанинг Найкл стимулятори турли меъёрларда ва муддатларда ишлов берилган 3, 4, 5 ва 8, 9, 10 вариантлари эса кенглиги 8 қатордан, эни 4,8 м, бўйи 13,0 м, тажриба бўлакчаси майдони 62,4 м² ни ташкил этди ва 3 қайтариқда жойлаштирилди Дала тажрибаси ғўзага минерал ўғитлар қўлланилган ва минерал ўғитсиз етиштирилган фонларда олиб борилиб, назорат вариантыда чигитга ва ғўзанинг вегетацияси даврида стимуляторлар билан ишлов берилмаган бўлса, Узгуми стимулятори қўлланилган вариантда чигитга экиш олдидан 0,7 л/т, шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даврида 0,4 л/га, Найкл турли меъёрларда ва муддатларда қўлланилган вариантларда чигитга экиш олдидан 3,0; 4,0 ва 5,0 л/т, шоналаш даврида 0,5; 1,0 ва 1,5 л/га, гуллаш даврида 1,5; 2,0 ва 2,5 л/га, ҳосил туғиш даврида 2,5; 3,0 ва 3,5 л/га меъёрларда ишлов берилган

Илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитсиз ва ўғитлар билан парваришланган ғўзада Найкл стимуляторини мақбул қўллаш муддатлари ва меъёрлари илмий асосланган; минерал ўғитсиз ва ўғитли шароитда чигитга экиш олдидан Найкл стимулятори билан 4,0 л/т меъёрда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 6,8-11,5% тезлашган, ғўзанинг шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га ва ҳосил туғиш даврида 3,0 л/га меъёрларда қўлланилганда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши жадаллашиб, 1-чин барг чиқиши 1-2 кунга, 3-4 чин барг чиқиши 1-3 кунга, шоналаш даври 1-2 кунга, гуллаш даври 1-3 кунга, кўсакларнинг очилиши 2-5 кунга тезлашгани аниқланган;

минерал ўғитсиз парваришланган ғўзага Найкл қўлланганда ғўзанинг бўйи 7,0-13,3 см баланд, ҳосил шохлар сони 0,7-2,7 дона ва кўсаклари 1,7-3,7 донага ортиб, очилиши 9,6-15,0% тезлашган, минерал ўғитлар қўлланилганда ўсимлик бўйи 2,4-5,5 см, ҳосил шохлар сони 0,5-0,7 дона, кўсаклари 1,6-4,0 донага, очилиши 2,6-9,5% га юқори бўлган;

пишиш даврида бир туп ғўза барг юзаси 156,0-276,8 см², барг сони 1,6-

3,3 дона, барг оғирлиги 6,2-9,1 г, битта барг вазни 0,08-0,18 г, фотосинтез соф маҳсулдорлиги шоналаш-гуллаш даврида суткасига 0,44-2,32 г/м², гуллаш-пишиш даврида 0,71-1,76 г/м² ортган ва ҳосил элементларининг тўкилиши минерал ўғитсиз шароитда 7,4-12,3%, минерал ўғитлар қўлланганда 4,9-8,3% камайгани аниқланган;

ғўза минерал ўғитсиз ўстирилганда ва минерал ўғитлар билан озиклантирилганда Найкл стимуляторини қўллаш ўғитсиз шароитда 34,5 ц/га, минерал ўғитлар қўлланганда 40,6 ц/га пахта ҳосилини етиштириш ва 5,4-6,1 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган.

Хулоса

Найкл стимулятори ўғит қўлланилган ва ўғит қўлланилмаган шароитда ниҳолларнинг униб чиқиши назоратга нисбатан 10,3-11,5 % га ортганлиги аниқланди. Ўсимлик бўйи, ҳосил шохи, гул ва тугунчалар, кўсаклар сони ҳам назоратга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Фотосинтез соф маҳсулдорлик ўғитсиз фонда назоратдан 0,71 г/м², ўғитли фонда 1,76 г/м² суткалик фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортганлиги аниқланди.

Ҳосилдорлик ҳам мос равишда назоратга нисбатан 5,4-6,1 ц/га юқори пахта ҳосилига эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуалимов Ш.Х. Уруғлик чигитига пирамида майдонида ишлов беришнинг ниҳоллар униб чиқиши ва пахта ҳосилига таъсири // Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Халқаро конференция мақолалар тўплами. ЎзПИТИ. -Тошкент, 2006. -Б.247-250.

2. Ҳасанова Ф., Абдуалимов Ш. Экиш мавсуми масъулияти // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. -Тошкент, 2009. -№ 2. -Б. 3-4.

3. Таджиев К.М. Тукли ва кимёвий ту ксизлантирилган чигитларга экиш олдидан уруғдорилар билан ишлов беришнинг ғўза барг юзаси ва қуруқ вазнига таъсири.// Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари халқаро илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. Тошкент, 2016. –Б. 271-274.